УСТОЗДАН ИЛҲОМЛАНИБ ЯРАТИЛГАН ДОСТОН.

Маматқулова Феруза Тоҳировна
Қўқон ДПИ, ўзбек адабиёти кафедраси катта ўқитувчиси филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
email: feruzaxonmamatqulova561@gmail.com

Тожикаримова Намунахон
ўзбек тили ва адабиёти факультети 4 курс талабаси

Резюме: Ушбу маколада Қора бахши Умиров яратган “Тоҳир ва Зуҳра” достони хусусида сўз юритилади. Бахши ўз иқтидори билан ижодий ёндошиб ушбу достоннинг яна бир вариантини яратишга муваффақ бўлди.

Калит сўзлар: Фольклор, достон, бахши, ҳомий, халқ, вариант.

Маълумки, ўзбек халқ эпосида қаҳрамонга ёрдам берувчи ғайритабиий ҳомий персонажлар образининг иштироки муҳим ўрин тутади. Кўпинча оппоқ соқолли чол, қаландар, девона кўринишида намоён бўладиган бундай персонажлар эпик қаҳрамонни мушкул ҳолатдан қутқариш, унга йўл кўрсатиш, маслаҳат бериш, изланаётган ғаройиб нарса ёки маликани қаердан топиш мумкинлигини билдиришдан иборат ҳомийлик вазифасини бажарадилар. Эпик қаҳрамонига ёрдам кўрсатадиган ҳомий-персонажлар типи жаҳон фольклоршунослигида В.Я.Пропп, В.Н.Новиков, А.Алиева, А.А.Гусейнов ва бошқа олимлар тарафидан тадқиқ этилган. Ўзбек фольклоршунослигида эса эпик ҳомий образининг ўзига хос функционал хусусиятлари ва мифологик илдизлари масаласи Ғ.Акрамов, М.Жўраев, Н.Мадраҳимоваларнинг ишларида ёритилган .

а)**Эпик ҳомий образининг тотемистик типи**. Достоннинг бошқа вариантларида учрамайдиган, яъни фақат Қора бахши Умиров вариантига хос сюжет элементларидан яна бири ит детали билан боғлиқ ҳолда ишланган эпик ҳомий образининг тотемистик талқинидир. Эпик асарларда от, туя, қуш, илон, кийик каби жониворларнинг қаҳрамонга ёрдам бериши мотиви кўп бора қайд этилган. “Тоҳир ва Зуҳра” достонининг Қора бахши Умиров вариантида эса ит образининг мададкор персонаж сифатидаги эпик талқини берилган. Бефарзандликдан азоб чекиб, фарзандталаб бўлиб чиққан Қорахон билан Сарихонга йўлиққан чўпонлардан бири Лангар ота номли зиёратгоҳни кўрсатиб, унинг йўли машаққатли эканини айтиб огоҳлантиради. Шунда икки дўст одам юрса оёғи, қуш учса қаноти куядиган Жут чўлини кесиб ўтиб, Лангар отага етиб келадилар. Достонга Лангар ота зиёратгоҳи тасвирининг киритилиши Қашқадарё воҳасида шу ном билан аталадиган табаррук маскан мавжудлиги билан алоқадордир.

Қорахон билан Сарихон сувсиз Жут чўлида кўп азобларни кўриб бир қудуқ ёнига етиб келганларида “сақич очган, калласи кўчган, хуши учган, баданидан гўши қочган, хаёли бузилган, жонидан умиди узилган, сувсизликдан тили бир қарич чўзилган бир ит” қудуқ бошида холсираб ётганини кўриб қолишади. Шунда улар жониворга раҳмилари келиб, хўржинидаги мешни кесиб қовға қилиб, белларидаги чилвирни бир-бирига улаб қовғага бойлайдилар-да, қовғани қудуққа ташлаб сув олиб ўзлари нечоғли чанқаган бўлишларига қарамай, биринчи қовғадаги сувни тош охурга қўйиб итга ичирадилар. Сувдан сероб бўлиб, ташналиги қонган ит “олдинги оёғини ерга тираб, осмонга қараб, Қорахон билан Сарихоннинг

муродини Оллоҳдан сўраб” муножот қилади:

Фарзанднинг доғида бағри эзилиб,
Сувсизликдан танда жони узилиб.
Даргоҳингга келар аранг чўзилиб
Бер муродин, банданг ожиздир сенга (Қора бахши Умиров варианти, 25-26-бетлар).

Бу мотивнинг достон сюжетидан ўрин олишининг боиси жанубий Ўзбекистон достончилиги анъаналари билан бевосита боғлиқлигини фольклоршунос А.Эргашевнинг қуйидаги сўзлари ҳам тасдиқлайди: “Тоҳир ва Зуҳра” достонида Қорахон ва Сарихон сафарга чиққанда эпик ҳомий Хизр йўл кўрсатади, чўпонлар ёрдамлашади, ташналикдан ўлар ҳолатда ётган итга бир қовға сув ичиргач, ит Оллоҳга мурожаат қилиб, шу иккисининг муроди (нияти)ни беришни сўрайди. Достонда тасвирланиши, эпик қаҳрамонлар учун Оллоҳдан зурриёд тилаган ит бир зумда ғойиб бўлади. Шу фактнинг ўзи ҳам бу итнинг ғайритабиий тотемистик ҳомий тимсоли эканлигидан далолат беради.

б) **Эпик ҳомий образининг антропоморф типи**. Ўзбек халқ достонларида эпик қаҳрамонга ёрдам берадиган, унга ўзининг маслаҳатлари билан ҳўл-йўриқ кўрсатадиган ҳомий персонажларнинг асосийси инсон кўринишида намоён бўладиган образлар бўлиб, улар асосан Хизр, Шоҳимардон пир, оқ соқолли нуроний чол, қаланлар ёки девона қиёфасида тасвирланади. Халқ эпосига хос ҳомий-персонаж образининг бундай талқини “Тоҳир ва Зуҳра” достонининг Қора бахши Умиров вариантида ҳам мавжуддир.

Бефарзанд эпик қаҳрамоннинг олис сафарга чиқиб, азиз-авлиёлар мозорида тунаб, Оллоҳга илтижо қилиб фарзанд тилаши ва Шоҳимардон пир ёки Хизр қиёфасида намоён бўлган ҳомий персонажлар унга фарзанд ато қилинганлигини башорат қилиши асосан ўзбек халқ қаҳрамонлик эпосига хос мотивлар сирасига киради. Қора бахши Умиров “Тоҳир ва Зуҳра” достонини айтиш жараёнида жанубий Ўзбекистон достончилик анъанасига хос бўлган бу мотивдан самарали фойдаланган.

“Тоҳир ва Зуҳра” достонида тасвирланган эпик ҳомий образларнинг бундай икки хил талқини эпосдаги ҳомий-персонажлар типининг шаклланиш жараёни ва бадиий эволюцияси тотемистик тасаввурлар асосида шаклланган ҳомий персонажлар ҳақидаги халқ қарашларининг ривожланиши натижасида инсон кўринишидаги ҳомийлар образининг антропоморф, яъни инсон шаклидаги типи келиб чиққанлигини кўрсатади.

Достоннинг Қора бахши Умиров варианти халқ достонлари нашрининг бахшилар эпик ижодиётига кўрсатган самарали таъсирининг ёркин намунаси бўлиб, мазкур эпик сюжетнинг жанубий Ўзбекистон достончилиги анъаналарида қайд қилиниши Раҳматулла Юсуф ўғлидан ёзиб олинган “Тоҳир ва Зуҳра” достонининг чоп этилиши билан боғлиқдир. Асосан қаҳрамонлик ва романик достонларни ижро этиши билан ўзига хослик касб этган бу ҳудуд бахшилари эпик репертуарида китобий достонлар мавжуд бўлмаган. “Тоҳир ва Зуҳра” достонининг Қора бахши Умиров варианти эса китобий достонлар нашрининг таъсирида юзага келган.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Эргашев А. “Тоҳир ва Зуҳра” достонининг Қора бахши Умиров варианти // Қора бахши Умиров. “Тоҳир ва Зуҳра” (достон). Ёзиб олиб, нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифи А.Эргашев. – Қарши: Насаф, 2014. – Б.4-5.

2. Қора бахши Умиров. “Тоҳир ва Зуҳра” (достон). Ёзиб олиб, нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифи А.Эргашев. – Қарши: Насаф, 2014. – Б.10 (бундан кейин шу манбадан олинган мисолларга қавс ичида “Қора бахши Умиров варианти” сўзларидан кейин саҳифа рақами бериб борилади – Ф.М.)
3. Эргашев А. Кўрсатилган мақола. – Б.8.
4. Устоев Ш. Поверья таджиков Байсуна о деревьях и растениях // Труды Байсунской научной экспедиции. Вып.3. Археология, история, этнография. – Ташкент: «Санъат», 2007. С.159-160.
5. Хоразм хазинаси. Тўпловчи: Собир Жуманиёзов. Нашрга тайёрловчи: Комил Нуржонов. – Урганч: Жайҳун, 1996. – Б.31-32.
6. Пропп В.Я. Исторический корни волшебной сказки. – Л., 1946; Новиков В.Н. Образы восточнославянской волшебной сказки. – Л.: Наука, 1974. – С.131-158; Алиева А.И. Поэтика и стиль волшебных сказок адыгских народов. – М.: Наука, 1986. – С.96-109; Гусейнов М.А. Функции помощника в азербайджанском фольклоре. АКД. – Баку, 1992.
7. Акрамов Ғ. Манистик мифология // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1979. – 6-сон. – Б.65-69;
8. Жўраев М. «Алпомиш» достонида мифологик образлар // «Алпомиш» – ўзбек халқ қаҳрамонлик эпоси. – Тошкент: Фан, 1999. – Б.147-157;
9. Мадраҳимова Н. «Ширин билан Шакар» достони версияларида ҳомий образи 11. Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1998. – 6-сон. – Б.34-37.